

Пудрат шартномаси

0504-2022-32

2022 йил "13" 05

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А.Боқиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган Музработ ТИФУК номидан Низом асосида иш кўрувчи Музработ ТИФУК директори Б.Хотамов иккинчи томондан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172-сонли "Обод кишлок" ва "Обод махалла" дастуриларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шахар) хокимликлари тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларида Республика бюджет маблағлари хисобидан таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки 05.04.2022 йилги №12 Манзилли дастурига хамда, 10.05.2022 йилдаги № 75770 сонли лот Протокол қарорига асосан. **Музработ тумани Дуоба МФЙ Урмон кучаси жорий таъмирлаш (шагал коплама етказиши)**га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

"ижро хужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

"курилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошқа белгилаб билан белгилаб кўйилади.

"вактинчалик ишлар": Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

"беркитилган ишлар": - сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чикиш: ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектни умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза хulosасига келишилган муддатларга асосан **жорий таъмирлаш (шагал коплама етказиши)** ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар киймати

3. Мазкур шартнома 10.05. 2022 йилдаги № 75770 лот га асосан тасдиқланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган холда жорий нархларда 95 979 555 (туксон беш миллион туккиз юз етмиш туккиз минг беш юз эллик беш) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш киймати ва кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга "Ia" иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камидан 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- "I" иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул килиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;
- объектда тасдиқланган лойихага мувофик курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;
- курилиш таваккалчилигини суурита килиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактингчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини кўриклинишини таъминлаш;

курилиш жараённада жалб килинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл курилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик қабул килиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига “1б” иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда шартнома конун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аниқланган муддатда ишларни тўлик якунлайди..

12. Курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.(бажарини графикига асоссан)

13. Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофик амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % микдорида, аванс ўтказади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (1б-илова)

16. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини “Маълумотнома-хисоб-фактура”га асрсан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг колган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул килингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача микдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартномага ва иш хужжатларига мувофиликлигини текширади. Аниқланган камчиликларни ўз вактида бартараф этиш бўйича барча чораларини

кўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишида хабардор килиб боради.

21. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишида катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишида ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартиба жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боглаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофикалиги тўғри жойлашганилиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишида хабардор киласди.

33. Қабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганилигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлади.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилishi, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб колишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикирини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект қабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул килиб олиниади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килинишини;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида I ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланаб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор килиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кечикирилган холда;
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор килинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганилиги, ўз вактида молияштирганилиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,1 % микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5% фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5% фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2021 йил учун белгиланган иш хажми кийматининг бажармаган кисмидан Буюртмачига I фоиз микдорида жарима тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у холда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20% фоизи микдорида ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганилиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XVI. Низоларни хал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисадий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчι томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳакиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равиша тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечикиришга ҳаклидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

72. Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгacha амал қилади.

Буюртмачи:

“Сурхондарё минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати” давлат унитар
корхонаси


Термиз шахар Олмазор кўчаси 42-үй
Тел: 221-26-35 Факс 221-19-22

ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

Ш/х: 304521860222077045129118008

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Газна: х/в 23402000300100001010
ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014
Ғазначилик бўлим ИНН: 201122919

Директор

 А.Бокиев

Пудратчи:

Сурхондарё АЙХББ
“Музработ” ТИФУК

Термиз шахар Олмазор кўчаси

ИНН: 200473561 ОКОНХ:

Ш/Х: 20210000500311885001

МФО: 00324

Миллийбанк Термиз филиали


Директор

 Б.Хотамов

Ушбу шартнома мазмуни амалдаги Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги конуни ва бошка кошун хужжатлари талабларига мос ҳолда тузилган.

«16» 05 2022 йил 060

Ф.Тураев

Сурхондарё вилояти Дуба МФЙ Урмон кучаси жорий таънирлаш (шагал ковлама етказиш) объектининг _____ соли
шартиномасига - илова

Сурхондарё вилояти Дуба МФЙ Урмон кучаси жорий таънирлаш (шагал ковлама етказиш) объектининг _____ соли
шартиномасига - илова
МОЛНЯЛАШТИРИНИ ГРАФИГИ

Молнялаштириш шартлари	Йиллар	Шу жунчалади обйир												Жами	
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Илдикк инъекционни аэротехники инанс чаблаги	2022 йил					28 793 866,5									28 793 867
Аэротехники инанс наблагиминг ёйлар бўйич таҳсилланадиган кисми	2022 йил					28 793 866,5									28 793 867
Аэротехники инанс наблагимини инобати о.з.б. бисарарига ишларни молнялаштиришига аэротехники инанс	2022 йил					67 185 688,5									67 185 689
Жами	2022 йил		0	0	0	95 979 555,0	0,0	0,0	0,0	0	0	0	0	0	95 979 555
Жами молнялаштирилдиган чаблаги															



Сурхондарё вилояти Дуоба МФЙ Урмон кучаси жорий таъмирлаш (шагал коплама етказин) объектининг _____ соли
шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Дуоба МФЙ Урмон кучаси жорий таъмирлаш (шагал коплама етказин) объектининг _____ соли
шартномасига - илова

БАЖАРИН ГРАФИГИ

№	Аманга викораланган вилвар	Вилвар	2022 йил												Объектини умумий кабинати	
			1-квартал			2-квартал			3-квартал			4-квартал				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	Курчалиш-момтаж нишадари	2022	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
	Жами		-	-	-	0,0	0	95 979 555	0	0	0	-	-	-	-	95 979 555

Будорточи



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 75770 на приобретение Музработ тумани Дуоба МФЙ Урмон кучаси жорий таъмирлаш (шагал коплама етқизиш)

Способ проведения электронный

Дата 10.05.2022

Время рассмотрения 09.05.2022 17:36

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK (Muzrobot) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МИБХ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МИБХ
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LII	Булим бошлиқ	Сурхондарё МИБХ
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LII	Бош мутахассис	Сурхондарё МИБХ
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Лойиха бўлим бошлиғи	Курулиш
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МИБХ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объятиению на специальном информационном портале от 10.05.2022 года № лота 75770.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Музработ тумани Дуоба МФЙ Урмон кучаси жорий таъмирлаш (шагал коплама етқизиш)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	97 979 555.00
Стартовая сумма	97 979 555.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади).Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OLAM NUR	20	1	10	Экспертная		
СУР ВИЛ АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИ ХББ	20	1	18	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	18	Экспертная		

Критерий №2 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги З йиллик иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: "Охирги З йил давомида Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов саводдагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш."

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OLAM NUR	20	1	10	Экспертная		
СУР ВИЛ АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИ ХББ	20	1	18	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	15	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Бинарное значение

Описание: "Иштирокчининг банкидан картатека йуқлиги ҳакида маълумот, Солик органларида соликдан карзи йуқлиги түгрисида тасдиқланган маълумот, Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солик тўланунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гacha миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма мабла

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OLAM NUR	20	1	10	Экспертная		
СУР ВИЛ АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИ ХББ	20	1	20	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	18	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Бинарное значение

Описание: Танловда иштирок этувчи ташкилот ҳакида умумий маълумот гувохномаси, СОҲАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИда автомобил йуллари ва куприкларда рейтинг курсаткичи мавжудлиги.Иш стажи З йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши

мавжудлиги.5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги.
(участка бошликлари ва мастерлар).Ишлаб-чикариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та
мутахассисни мавжудлиги.Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар
мавжудлиги.Ходим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OLAM NUR	20	1	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Категорияси автомобил йуллари рейтингида мавжуд эмас
СУР ВИЛ АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИ ХББ	20	1	20	Экспертная		
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	20	1	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
СУР ВИЛ АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИ ХББ	97 979 555.00	95 979 555.00	29.04.2022 01:10:47	18.17
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	97 979 555.00	87 200 000.00	29.04.2022 09:52:27	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
СУР ВИЛ АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИ ХББ	76	18.17	94.17
MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI	71.2	20	91.2
ООО OLAM NUR	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 75770 от 10.05.2022 года на приобретение Музработ тумани Дуоба МФЙ Урмон кучаси жорий таъмиrlаш (шагал коплама етқизиш) определила победителем:

СУР ВИЛ АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИ ХББ
200473561

и резервный исполнитель: MCHJ SURXON-YO'L-RAVNAQI (308753157)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LII	Согласен	

Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LII	Согласен	
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Турон" bank Tel-Fax:
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Doniyorov Anvar Abdullayevich

Sana:14-04-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 36598

Obyekt nomi «Surxondaryo viloyati Muzrabot tumani "Duoba" MFY xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha»

Buyurtmachi - "Surxondaryo viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK

Bosh loyihachi - "Termiz Grand Road Projekt" MChJ

Litsenziya AL-001840 sonli 15.06.2021 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablag'lari

Bosh pudratchi - Tanlov savdolarida aniqlanadi

Qurilish turi Joriy ta'mirlash

Murojaat raqami: № 36365

1. Loyihalash uchun asos

1.1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18-martdagi PQ-172-soni "Obod-qishloq" va "Obod-maxalla" dasturlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi qarori.

1.2. Muzrabot tuman hokimi o'rinosi tomonidan kelishilgan va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasi.

1.3. Buyurtmachining tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan loyixalash uchun topshiriq.

1.4. Surxondaryo viloyati avtomobi yo'llari xududiy bosh boshqarmasi va Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan qurilish ishchilarining ish haqi, mashina va mexanizmlarning ekspluatatsiyasi, tovarlarni tashish, qurilish materiallari, pudratchining boshqa xarajatlari narxlari kelishuv bayonnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

ShNK 1.03.01-16 talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan ishchi loyiha.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Ushbu loyiha, Surxondaryo viloyati Muzrabot tuman "Duoba" MFY xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida joriy ta'mirlash maqsadida amalga oshirish rejalashtirilgan.

Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan, joriy ta'mirlashda ko'chalar kesimida:

- *Amirobod ko'chasi L=1220 m b-4,5m* quyidagi ishlar, saralangan QShA dan tekislovchi qatlam yotqizish va ustidan bitum sepish hamda mayda donali issiq asfaltobeton qoplamacadan N-5 sm qalinlikda qoplama yotqizish .
- *Nuroniy-1 ko'chasi L=152m b-4,5 m Maktab ko'chasi L=330m b-4,5m* bo'lib, saralangan QShA dan tekislovchi qatlam yotqizish va M-300 beton 18 sm qalinlikda qoplama qurish va 10 sm kalinlikda QShA dan qoplama chetlarini mustaxkamlash.
- *Duoba ko'chasi L=625 m b-4,5m; Nuroniy ko'chasi L=483 m b-4,5m; O'rikzor ko'chasi L=480 m b-4,5m; Vodozobor ko'chasi L=180 m b-4,5m; Vodozabor-1 ko'chasi L=1130 m b-4,5m; Vodozabor-2 ko'chasi L=802 m b-4,5m; Vodozabor-3 ko'chasi L=609 m b-4,5m; Amirobod-1 ko'chasi L=370 m b-4,5m; Amirobod-2 ko'chasi L=435 m b-4,5m; Amirobod-3 ko'chasi L=570 m b-4,5m; Amirobod-4 ko'chasi L=590 m b-4,5m; Amirobod-5 ko'chasi L=610 m b-4,5m; Amirobod-6 ko'chasi L=390 m b-4,5m; Amirobod-7 ko'chasi L=320 m b-4,5m; Amirobod-8 ko'chasi L=410 m b-4,5m; O'rmon ko'chasi L=920m b-4,5m* kismlariga saralangan QShA dan 20 sm qalinlikda asos qatlam yotqizish ishlari ko'zda tutilgan.

3. Qurilish ishlarning davomiylik muddati

QTL taqvimiyligi jadvaliga ko'ra qurilish davomiylik muddati 4 oyni tashkil qiladi.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza jarayonida (lokal) ekspert xulosaning izohlariga muvofiq ishchi loyixani quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

- resurs ko'rsatkichlarining narxi (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transprot harajatlari, materiallar) buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan narx kelishivi bayonnomasi mavofiq to'g'irlandi.
- Qurilish tashkillashtirish loyixasi va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyixalash topshirig'i taqdim etildi.

6.2.Qurilish narxi sarxisobi:

Taqdim etilgan loyixani qurilish ishlari qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) bilan- **2121100.620 ming so'mni** tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra, taqdim etilgan qiymati **5 440.855 ming so'm** miqdorida kamaytirilib-**2115659.765ming so'mga** tasdiqlash uchun tavsiya etildi, shu jmladan:

- QMI.....-1 752 099,184 ming.so'm,
- QQS.....- 262 814,878ming.so'm,
- buyurtmachining boshqa xarajatlari.....-100 745,703 ming.so'm.

Ob'ektning umumiyligi qaydnoma ichida ko'chalar kesimidagi qiymati: ming.so'mda

N p.p	Yo'llarning nomi	Smeta bo'yicha jami	Shu jmladan buyurtmachi b/x
1	Duoba guzari ko'chasi L-625 m	279 833,666	13 325,413
2	Nuroniy ko'chasi L-152 m	139 053,584	6 621,599
3	Nuroniy ko'chasiL-483 m	54 011,230	2 571,963
4	Urikzor ko'chasiL-490 m	54 794,001	2 609,238
5	54 maktab ko'chasi L-330 m	301 892,650	14 375,840

6	Vodazabor ko'chasi L-2721 m	304 274,443	14 489,259
7	Amirobod ko'chasi L-4915	878 921,658	41 853,412
8	Urmon ko'chasi L-920 m	102 878,533	4 898,978

Kamayishga ayrim qurilish materiallari narxlarini aniqlashtirish natijasida erishildi.

6.3. Ushbu joriy ta'mir ishchi loyihasi buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan tekshirildi va "Shaxarsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK nuqsonlar qaydnomasida keltirilgan ish xajmlarining haqqoniyligi va asosligiga javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

6.4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17-sentabrdagi 579-sonli qarorining 7-ilovasiga muvofiq.

- yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng nazorot o'Ichovi natijalari asosida aniqlanadi;
- ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan xujjalarning to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyixa yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini xisobga olgan xolda "Surxondaryo viloyati Muzrabot tumani "Duoba" MFY xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash" ishchi loyixasi bo'yicha joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha qiymatini kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya qilinadi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 6 martdagи 261 sonli qaroriga va ShNK 04.01.06-09 asos tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

Bosh mutaxassis: Rashidov Shuxrat Qayumovich